

ТАЛАБАЛИК ДАВРИДА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИННИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

Сулейманова Тухтахон Гайназаровна

Андижон давлат университети

Умумий психология кафедраси доценти

психология фанлари номзоди

Аннотация: маколада талабалик даврида қадриятлари тизимини шаклланишининг ижтимоий психологик омиллари ёритилган. Олий таълимда талабалар маънавий ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга хурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий гоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш давлат ва жамият олдида турган устувор йўналишлардан бири эканлиги таъкидланади .

Таянч тушунчалар: талаба, қадрият, эҳтиёж, дунёқараш, эътиқод, ижтимоийлашув, хулқ-атвор,

СОЦИАЛЬНО ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ
СИСТЕМЫ ЦЕННОСТЕЙ В СТУДЕНЧЕСКОЙ ЖИЗНИ

Сулейманова Тустахон Гайназаровна

Доцент кафедры общей психологии

*Андижанского государственного
университета кандидат психологических наук*

Аннотация: В статье рассматриваются социально-психологические факторы формирования системы ценностей в студенческий период развития личности ,подчеркивается, что укрепление нравственного содержания студентов, воспитание молодежи в духе патриотизма на основе уважения к национальным ценностям, гуманизму и высоким духовным идеям, создание дополнительных условий для образования студенческой молодежи являются одними из приоритетных задач, стоящих перед государством и обществом.

Основные понятия: студент, ценность, расширяемость, мировоззрение, убеждения, социализация

SOCIO-PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE FORMATION
OF A VALUE SYSTEM IN STUDENT LIFE

Suleymanova Tustakhon Gainazarovna

Associate Professor of the Department of General Psychology

Andijan State University Candidate of Psychological Sciences

Abstract: The article examines the socio-psychological factors of the formation of a system of values during the student period of personality development, emphasizes that strengthening the moral content of students, educating young people in the spirit

of patriotism based on respect for national values, humanism and high spiritual ideas, creating additional conditions for the education of student youth are among the priorities facing the state and society.

Basic concepts: student, value, extensibility, worldview, beliefs, socialization

Дунёда ёшларнинг ижтимоий ва интеллектуал имкониятларини ривожлантиришда қадриятнинг хулқ-атворни ижтимоий тартибга солишнинг психологик детерминанти ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда ёшларни ўз-ўзини англаши, миллий ғурурга эга бўлиши, юксак идеалларга интилувчи ва меҳнатсевар, иймонли ва инсофли, ўтмиш аждодлар ва кексаларга нисбатан иззат-хурматли ҳамда юрт тақдирини ўз тақдирни билан бир деб ҳисобловчи шахс сифатида тарбиялашнинг меъёрий асослари яратилмоқда.

Олий таълимда маънавий ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш давлат ва жамият олдида турган устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди

Психологлардан Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузьмина, Н.Ф.Тализина, В.ЯЛяудис, И.С.Кон, В.Т.Лисовский, А. А.Бодалев, А.В.Петровский, М .Г .Д авлетшин, И .И .Ильясов , А .В .Дмитриева, З.Ф .Е сарева, А .А .В ербицкий, В .А .Токарева, Э .Р Фозиев ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, олий укув юртларида таълим олиш талabalар учун жуда отир кечади , чунки бу даврда шахснинг мураккаб фазилатлари, хислатлари, сифатлари такомиллаш иш босқичида булади.

Шунингдек, талabalарнинг ҳаётий қадриятлари Р.Р. Калинин. томонидан ҳам ўрганилган бўлиб,муаллиф тадқиқотда қатнашган талabalарни ўзларининг қобилиятларини амалга оширишга интилаётган, ўз фаолиятида ижодкорлик элементларидан фойдаланадиган, ўз келажаги ҳақида ўйлайдиган ва таълимини яхшилашга интиладиган одамлар деб таърифлаган. “Талabalар ижтимоий тадбирлардан завқланишади, уларга хилма-хиллик қўшишга, маълум доиралар билан яқин алоқаларни ўрнатишга интилишади. Улар нафақат севимли машғулот тури билан чегараланиб, ҳар хил тадбирларда қўлларини синаб кўришга ҳаракат қилишади. Уларни фаолият жараёни унинг натижаларидан кўра кўпроқ мамнуният билан кутиб олади ”[6,]

“Ҳаётий қадриятлар субектив позициянинг тартибга солиш омили сифатида.” Талabalар қуйидаги қадриятларни таъкидладилар: "омад", "фаровонлик", "соғлиқ", "пул", "барқарорлик", "омма эътирофи". “Бугунги ҳаётда талabalар фаровонлик ва муваффақиятларга устувор аҳамият беришади. Уларнинг фикрига кўра, ютқазган киши дўстона муносабатларга бўлган истакнинг пастлиги билан ажralиб туради, оиланинг аҳамияти, жамоатчилик томонидан тан олинишнинг аҳамияти ва ҳоказоларни камситади ”[23].

Ўзбекистонлик психолор тадқиқотчилар Э.Фозиев (болалар ва ўсмирларда ҳаётий қадриятларнинг шаклланишининг психологик омиллари) В.М.Каримова (Ўсмир ёшларда ҳаётий қадриятларнинг шаклланишида оила ижтимоий институтиниг аҳамияти), Б.М. Умаров(ўсмирларда ҳаётий қадриятларнинг

шаклланиши суицидал хавфни бартараф этиш омили сифатидаги ижтиомий психологик жахатлари), Ш.М. Улуғова(талаба қизларда тадбиркорлик фаолияти юритиш хаётий қадрият сифатидаги ижтимоий психологик хусусиятлари) томонидан ҳам қадриятлар муаммосининг ижтимоий-психологик хусусиятларига доир изланишлар олиб борилган бўлса-да айнан талабалик даври хаётий қадриятлар ижтимоий-психологик хусусиятлари юзасида алоҳида изланишлар амалга оширилмаган

Психологлардан Б.Г. Ананьев, Н.В. Кўзимиша, Н.Ф. Тализина, В.Я.Ляудис, И.С. Кон, В.Т Лисовеский, А.А. Бодолев, А.В. Петровский, М.Г.Давлетшин, И.И. Илғасов, А.В. Димитрева, З.Ф.Есарова, А.А.Вербицкий, В.А. Токарева, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқаларнинг тадқиқотларига қўра, олий ўқув юртларида таълим олиш талabalар учун жуда оғир кечади, чунки бу даврда шахснинг мураккаб фазилатлари, хислатлари, сифатлари, такомиллашиб босқичида бўлиши таъкидланади.

Мазкур ёш давридаги ижтимоий психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири ўқиш фаолиятининг онгли мотивлари кучайишидир. Талабаларда хулқнинг энг муҳим сифатлари мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик ва хокозолар такомиллашиб боради. Шунингдек уларда ижтимоий-холларга, воқеликка ахлоқий қоидаларга қизиқиш, уларни англашга интилиш тобора кучаяди.

Психологларнинг тадқиқотлари шахс ҳаёти тажрибасини эгаллашида унда ўзлигини англаш вужудга келишини, жумладан, шахсий ҳаётининг мазмунини англаши, аниқ турмуш режаларини тўзиш, келажак ҳаёт йўлини белгилаши ва хаказолар амалага ошишини кўрсатади. Талаба аста-секин микромурухнинг нотаниш шароитларига кўнишиб боради, ўзининг хаққи-хуқуқлари ва мажбуриятларини билан бошлайди, шахслараро муносабатининг янгича кўринишини ўрнатади, турмушдаги ижтимоий ролларни амалда синааб кўришга интилади.

Улардаги романтик хис-тўғулар воқеликка муайян ёндошишига бирмунча халақит беради. Чунки улар турмушдаги ютуқлар ва муваффақиятизлиknинг ижтимоий-психологик илдизлари нимадан иборат эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмайдилар. Ёш физиологияси ва психологияси фанларидан тўпланган материаллар таҳлилидан кўринадики, талаба 17-19 ёшда ҳам ўз хулқи ва билиш, фаолиятини онгли бошқариш имкониятига эга бўлмайди ва шунга кўра хулқ мотивларининг асосланмаганлиги, узоқни кўра олмаслик, эхтиёқизлик каби ҳолатлар руй беради

Б.Т. Листовскийнинг фикрича, 19-20 ёшларда айрим салбий хатти харакатлар кўзга ташланади. Мазкур ёшда хоҳиш ва интилиш иродада ва ҳарактердан анча илгарилаб кетади. Бунда одамнинг ҳаётий тажрибаси алоҳида роль ўйнайди, чунки талаба шу тажриба етишмаслиги натижасида назария билан амалиётни, фантазия билан реалликни, романтика билан экзотикани, ҳақиқат билан иллюзияни, орзу билан хоҳишни, оптимизм билан қаттийликни аралаштриб юборади.

Талабалик давридаги ижтимоий-психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири ўқиш фаолиятининг онгли мотивлари кучайишидир. Талабаларда ахлоқий

жараёнларнинг ўсиши суст амалга ошса-да, лекин хулк атоворнинг энг мухим сифатлари — мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилилк ва хоказолар такомиллашиб боради.

Шунингдек, уларда ижтимоий холатларга, воқеликка, ахлоқий коидаларга кизикиш, уларни англашга интилиш тобора кучаяди.

Талабалар моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда ижтимоий хаётга ва мутахассисликка оид ролларни муайян тарзда ва маҳсус дастур асосида бажарышта тайёрланаётган ижтимоий гурух

Олий ўқув юртидаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари талабаларнинг бошқа ижтимоий гурухлар билан (улар хоҳ расмий, хоҳ норасмий бўлиш қатъий назар) мулоқотга кириш иш учун мухим имкон и ят яратади.

Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий етукликнинг жадал суръат билан руёбга чиқишидир. Маълумки, ижтимоий етуклик (камолот) шахсдан зарур ақлий қобилиятларни ҳамда ижтимоий турмушда бажариладиган турли ролларни эгаллашга (оила куришга), фарзандларни тарбиялашга, фойдали меҳнатда катнашишга (масъул вазифада ишлашга) тайёрланишни талаб қиласди. [2].

Н.Н. Мачурова. талабалар тушунчасидаги "хаётий қадриятлар" улар учун "асосий, мухим, аҳамиятли, нима қадрланиши, нима фойдали ёки фойдали бўлиши мумкин, мақсад ёки идеал бўлиши мумкинлигини" акс эттиришини очиб берди. У талабаларнинг асосий қадриятларига шахслараро муносабатларнинг қадриятлари, ахлоқий қадриятлар. Киритиш мукинлаги таъкидлади Олий таълим муассасини тутатгандан сўнг, ўғил болалар ва қизларнинг танлаган мутахассислигига мос бўлган меҳнатга оид қадриятларнинг аҳамияти ортиши билан ажралиб туради. [4]

Психологлар (И. Кон, В.И. Слободчиков, Э. Эриссон ва бошқалар) талабанинг катталар ички позициясини эгаллаши, ўзларини жамият аъзоси сифатида танишлари, дунёда ўзларини белгилашлари, яъни ўзларини ва ўзларининг қобилиятларини ўзлари белгилашнинг асосий натижаси сифатида тушунишлари кераклигини таъкидлайдилар [4].

Б.Г.Ананьев раҳбарлигида ўтказилган илмий-тадқиқот ишларидан маълум бўлишича, талабалар камол топишининг жинсий ва нейродинамик хусусиятлари уларнинг ақлий имкониятларини тўла ишга солиш ва сермаҳсул ўқув фаолияти ташкил қилиш учун мухим имконият, шарт шароит яратади.

Ю.А. Самариннинг таъкидлашича ўспириналар руҳиятида ўзига хос қарама-қаршиликлар, ички зиддиятлар мавжуд бўлади. Уларнинг моддий жихатдан ота-онага, олий ўқув юрти маҳмуриятига боғлиқлиги иқтисодий зиддиятни келтириб чиқаради. Бу хол талаблаарнинг хошишлари билан мавжуд имкониятнинг номутаносиблиги туфайли содир бўлади.

Талаба ёшларнинг хаётий қадриятларнинг шакллантиришга ижтимоий, индивидуал психологик ёшга оид демографик омилларга боғлиқлиги таъсир қиласди. Ёшларнинг хаётий қадриятларини шакллантиришга таъсир этувчи тарбиявий омиллар билан бир қаторда, инсонпарварарлик таълим мининг қадриятларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган жихатларини ҳам қамраб олади.

Ёшларнинг муҳим қисми учун моддий манфаатдорликга интилиш билан тавсифланади. Муваффақиятга эришиш шарти сифатида олий маълумот олиш мотивларидан бири хам айнан келажакда моддий таъминланганлик хисобланади

Талабалар ўқув фаолиятини тадқиқотчилар томонидан психологик таҳлил қилишнинг кўрсатишича, унда бир қатор камчиликлар, нуқсонлар, заифликлар мавжуд эканлиги намоён бўлди.

Олий таълим тизимида мустақил фикрлаш фаолиятига жалб этиш учун талабаларни муаммолар ечимини топишга ўргатиш мақсадга мувофиқ экан. Айниқса, талабалар мустақил фикрлашини ривожлантириш жараёнида ечими қутилаётган касбий-педагогик муаммолар вужудга келши уларда мантиқий фикрлаш, қарорлар қабул қилишда масъулият каби шахс хусусиятларини шакллантиришида катта ахамият касб этади.

Талабалар катта динамизм, ролларнинг ўзгариши, қадриятлар йўналишларининг ўзгариши билан ажralиб туради. Машғулот, спорт, меҳнатда кўп муаммоларни келтириб чиқарадиган жадал жисмоний ривожланиш мавжуд. Оғирлик, ҳажм, ёшга боғлиқ бошқа ўзгаришлар ижтимоий ва ахлоқий соҳада алоқада. Ҳиссий идроқ, яхши ва ёмонга қарши туриш истаги бадиий ва эстетик асарларга нисбатан ахлоқий баҳолардан устун бўлишига олиб келади.

Кенг ижтимоий маънода талабаларнинг ахлоқий дунёқараси ўз-ўзини англашнинг ажralмас хусусияти бўлиб, бир томондан бошқаларга нисбатан максимал даражада муросасизлик билан намоён бўлади, иккинчи томондан эса, ўзлари учун ҳаракатлари - гўдаклик учун зарурият йўқлиги билан ажralиб туради [4].

Маданий ривожланиш соҳасида талабалар нафақат ҳиссий ва ахлоқий, балки қўнгилочар мазмунга интилишади.

Оммавий маданият, чэт эл қадриятлар ва маънавиятини кириб келиши талаба шахсининг чуқур интеллектуал даражасига эга бўлган қадриятларни йўқ қиласди

Замонавий талабалар қадриятлари таркиби, бошқа одамлар ва жамият фаровонлигига ғамхўрлик қилишнинг аҳамиятини камайтирган ҳолда, ютуқларга ва шахсий муваффақиятларга аниқ йўналтирилганлиги билан ажralиб туради.

Қадриятлар таркибидаги ўзгариш ижтимоий устуворликнинг шахсий фаровонлик ва индивидуаллик фойдасига, ижтимоий қизиқиш ва жамоавийлик томон ўзгаришини акс эттиради.

Ёшларнинг қадриятлар йўналишлари биринчи навбатда ўз-ўзини йўналтиришнинг кучайиши, ўз кучига ишониш (иродали фазилатлар, хулқатворда мантиқийлик, мустақил ва қатъиятли ҳаракат қилиш истаги) ва шахсият фазилатларининг роли ва аҳамиятининг пасайиши, айниқса бошқа одамлар билан алоқада муҳим (сезгириллик, одамга бўлган ҳурмат) билан ажralиб туради тинглаш ва бошқасини тушуниш қобилияти ва бошқалар) [1].

Ёшларнинг ғояларида меҳнат фаолиятининг ижтимоий психологик аҳамияти кўпинча ўзларининг иқтисодий фаровонлиги ютуқлари билан белгиланади ва ҳаётдаги муваффақият истеъдод, билим ва меҳнатсеварлик билан эмас, балки тадбиркорлик ва пул билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида

иқтисодий қадриятларнинг устуворлиги ёшларнинг бутун қадрият йўналишлари тизимиға таъсир қилиб беовсита улардаги хаётий қадриятларнинг ажралмас жихатига айланиб боради. шунингдек оилавий қадриятлар хам ахамиятли таъсир хусусиятларига эгадир.

Талаба-ёшлар мустақиллик ва ижтимоий мавъқени афзал кўрадилар, улар узоқ келажакда оилани режалаштиришади, қариндошларга бўлган муносабат тобора кўпроқ худбин бўлиб қолади; коммуникатив қадриятлар ёши улгайган сайин узоқлашмоқда, уларнинг ўрнини "зарур", обрўли одамлар билан муносабатлар эгаллайди [5].

Талабалик йилларида ёшларнинг ҳаёти ва фаолиятида ўзини ўзи камолатга етказиш жараёни муҳим роль ўйнайди, лекин ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари (ўзини-ўзи тахлил қилиш, назорат этиш, баҳолаш, текшириш ва бошқалар) хам алоҳида аҳамият касб этади. Идеал (юксак, барқарор, баркамол) «мен»ни реал «мен» билан таққослаш орқали ўзини-ўзи бошқаришнинг таркибий қисмлари амалий ифодага эга бўлади. Талабанинг нуқтаи-назарича, идеал «Мен» ҳам муайян мезон асосида етарли даражада текшириб кўрилмаган, шунинг учун улар гоҳо тасодифий, ғайритабиих хис этилиши муқаррар, бинобарин, реал «мен» ҳам шахснинг ҳақиқий баҳосидан анча йироқдир. Талаба шахснинг такомиллашувида бундай объектив қарама-қаршиликлар ўз шахсиятига нисбатан ички ишончсизликни, ўқишига нисбатан эса салбий муносабатни вужудга келтиради. [4].

Одатда талabalар II ва III курсларда олий ўқув юрти ва мутахассисликни тўғри танлангани хақида янада жиддий ўйлайдилар.

Мазкур ёш даврида ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари, ижодий таффаккур, муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларини тартибга солиши асосида хис-туйғулар, қарашлар, ахлоқий қадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади.

Юқорида айтилган ички ва ташқи омиллар таъсири оқибатида талabalар рухиятида қадриятлар изими шаклланади. Ўтказилган психологик тадқиқотлар олий мактабда таълим -тарбия ишларини режалаштиришда таълим жараёнида талабага ўзига хос муносабатда бўлиш, улардаги ижодкорлик, мустақиллик, фидойилик каби қадриятларнинг ривожланиши мазкур даврнинг муҳим шартларидан биридир.

Адабиётлар

1. Абульханова К А “Личность как субъект деятельности М 1997 »
2. Быкасова Л.В .«Влияние СМИ на сознание современной молодежи. М Владос 2001
3. 3. Леонтьев ВН Личность деятельность коллектив М. Просвещение 1992
4. Семенов В.Е. Ценностные ориентации современной молодежи [Текст] // В.Е. Семенов // Социологические исследования. – 2007. – № 4. – С. 37
5. Каримова В. М. Оила психологияси Тошкент 2002
6. Ғозиев Э. Ғ. Онтогенез психологияси Тлшкент Ўқитувчи 2011
7. Н. Добрускин. Талаба - у ким, // Тошкент 1994, 8-9.